

## АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШДЕК ЭЗГУ ТАШАББУСГА ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗ ҲИССА ҚЎШИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев 23 ноябрь куни Тошкент шаҳри атрофида “яшил белбоғ” барпо этиш лойиҳаси доирасида дарахт экиш тадбирида иштирок этди ҳамда Янгиҳаёт туманига ташриф буюриб, саноат корхоналари фаолияти ва маҳалладаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида барпо этилаётган янги боққа кўчат экди.

Бугунги асрга келиб, табиат софлиги энг долзарб масалага айланди. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, глобал иссиқ табиий мувозанатга ва одамлар соғлиғига зарар етказмоқда. Юртимизда бу олдиндан англаниб, атроф-муҳитни асраш чоралари кўрилмақда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан уч йил аввал бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси чинакам халқ ҳаракатига айланди. Ҳар йили баҳор ва кузда дарахт кўчатлари экиш анъанаси жонланди.

Президентимизнинг ўзи бунда доимо ўркан. Аввалги йилларда Янги Тошкент, Сергели, Чилонзорда кўчатлар эккан эди. Бу йил пойтахтимизнинг Бектемир туманида, Тошкент ҳалқа йўли бўйида яшил ҳудудга асос солинди.

Бунинг учун 100 гектар ер ажратилган бўлиб, икки йилда жами 100 минг туп дарахт ва бута кўчатлари экилади. Уларни парвартириш учун 3 та суғий сув хавзаси ва 12 та қудуқ барпо этилди.

Маълумки, “Яшил макон” лойиҳасида шаҳарлар яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, хусусан, уларнинг атрофида “яшил белбоғ” яратиш мақсади белгиланган. Ҳалқа йўли бўйидаги бу ҳудуд Тошкент “яшил белбоғ”нинг бир қисми бўлади. Яна бир эътиборли томони, бу ерда табиий ўрмон шакли ҳосил қилинади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари ва чет эллик дипломатлар билан суҳбатлашди, ушбу хайрли ташаббусга ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди.

— Бу анъана ўзи бизда бор. Халқимиз табиатни “она” дейди, ерни, сувни эъзозлайди. Бунинг замиридаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида яққол намоён бўляпти. Шунинг учун “Яшил макон” лойиҳасини бошладик. Келгуси йил номини ҳам атроф-муҳитни асраш масаласига бағишладик. Энди бу ташаббуслар кенг

ёйилиши, айниқса, ёшларимизга чуқур сингиши зарур. Ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона табиатни асрашга ҳисса қўшиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тадбирни видеоалоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар жамоатчилиги ҳам кузатди. У ерларда ҳам кўчатлар экилди. Ушбу кузги мавсумда “Яшил макон” лойиҳаси доирасида 80 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган.

Баҳорда 138 миллион дона кўчат экилган эди. Вазирилик ва ҳокимликлар 257 та бог барпо қилган. Йирик саноат корхоналари ва чиқинди полигонлари атрофида ҳам дарахтлар экилиб, “яшил белбоғ”лар ташкил қилинмоқда.

Автомобиль ва темир йўллари, дарё ва каналларга туташ ерлар дарахт экиш учун қарийб 10 минг аҳоли ва тадбиркорга ижара шартномаси асосида ажратиб берилди. “Меннинг боғим” лойиҳаси доирасида голиб деб топилган 215 та лойиҳа бўйича босқичма-босқич экиш ишлари бошланди.

Умуман, охириги 3 йилда мамлакатимиз бўйича жами 646 миллион туп кўчат ва буталар экилган. Оролбўйида яшил қоплама 2 миллион гектардан ошган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманида барпо этилаётган “Янги авлод” махсус саноат зонасида бўлди.

Мамлакатимизда саноат ва тадбиркорлик ривожлангани сари қўшимча шароитларга эҳтиёж туғилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 мартдаги қарори билан ташкил этилган мазкур саноат зонаси яна кўплаб корхоналарга жой бўлади.

Ҳудуд иқтисодиётида катта ўринга эга бўлиши кутилаётган мажмуа майдони 764 гектар. Айни пайтда инфратузилма тармоқлари барпо этилмоқда. Бу ерда озик-овқат, қурилиш материаллари, электротехника, машинасозлик ва кимё саноати каби йўналишларда 1 миллиард 375 миллион долларлик 47 та лойиҳа жойлаштирилади. Уларда 12 мингтага яқин янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, корхоналарда халқаро брендлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади. Хусусан, “DP World”, “JAC Motors”, “Krantas”, “Acce Japan”, “East can solutions”, “EAS” ва “Evuar” каби нуфузли компаниялар ҳамкорлигида қўшилган қийматли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбарига шундай лойиҳалардан айримлари тақдимот қилинди.

Хусусан, Хитойнинг “САСМС Engineering” компанияси билан саноат зонасини бошқариш, инвесторларни жалб қилиш ва инфратузилма объектларини барпо қилиш кўзда тутилган. “JAC Motors” компанияси тижорат автотранспорт воситаларини ишлаб чиқариши йўлга қўйди. 135 миллион долларлик бу лойиҳа натижасида 2 мингта янги иш ўрни яратилади. Япониянинг “Acce Japan” компанияси билан ҳамкорликда 9 миллион долларлик офис учун ўриндиқ ва мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, яна 100 кишининг бандлиги таъминланади.

Бирлашган Араб Амирлигининг “DP World” компанияси билан эса транспорт-логистика марказини ташкил этиш бўйича ишлар бошланган.

Ҳудудда лаборатория, тадқиқотлар маркази, конференция заллари ҳамда савдо зонаси ташкил этилади. Шунингдек, дуал таълим йўлга қўйилиб, саноат корхоналари учун керакли мутахассислар шу ернинг ўзида тайёрланади.

— Охириги йилларда ялпи ички маҳсулотимиз икки баробар ўсиб, бу йил 110 миллиард долларга етди. Энди бунинг 200 миллиард долларга етказишга марра олди. Инвесторларнинг лойиҳалари учун барча шароитни яратиш бермасак, бу кўрсаткичга етолмаймиз. Тошкент шаҳри бунда ҳам намуна бўлиши керак, — деди Президент.

Мутасаддиларга лойиҳаларда маҳаллийлаштириш ва рақамлаштириш, энергия тежамкорликка аҳамият қаратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги “Янгиҳаёт” индустриал технопаркида ҳам бўлди.

Янгиҳаёт туманида 184 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Сўнгги йилларда кўплаб янги уйлар қурилиб, оилалар кўчиб келди.

Улар учун шу яқин атрофда иш ўринлари ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 4 февралдаги қарори асосида барпо этилган “Янгиҳаёт” технопарки шу мақсадга қаратилган. Шавкат Мирзиёев 2022 йилда қурилиш тизими майдони ва бўлажак лойиҳалар билан танишган эди. Технопарк учун 110 гектар майдон ажратилган.

Аввало, бош режа ишлаб чиқилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилади. Хусусан, 10,8 километрлик сув ва оқова, ёмғир сувларини қочариш тизими барпо этилди. 2,9 километрлик ички йўллар қурилиб, 51 километр электр линияси ҳамда 5,9 километр газ тармоғи тортилади.

Ҳозир бу ерда 101 миллион долларлик 8 та корхона ишга туширилган, 520 та иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари уларнинг айримларини кўздан кечирди.

Масалан, “Алмерро Групп” масъулияти чекланган жамиятида “Krember” бренди остида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бунинг учун 3 гектар ер ажратилган, 22 миллион доллар йўналтирилган. Италия, Испания ва Туркия давлатларидан келтирилган илгор технология ўрнатилган. Корхонада йилига 320 миллиард сўмлик 80 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган. Маҳсулотларнинг 15-20 фоизи Хитой ва МДҚ давлатларига экспорт қилинади.

Қиймати 21 миллион долларлик “Vera Modem Elektrical” корхонаси 600 турдаги кабель ва сим маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 4 миллион долларлик экспорт қувватига эга. Мухим, маҳсулотларнинг 35-40 фоизи импорт ўрнини босади ҳамда маҳаллийлаштириш даражаси 70 фоизга етказилади.

Давлатимиз раҳбари корхоналар маҳсулотларини кўздан кечирди.

— Кейинги йилларда тадбиркорларга яратилган шароитлар бугун ўз натижасини берапти. Ўзимизнинг ишбилармонлар мана шундай кўп ҳилда ва юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқараяпти. Бу имкониятларни ҳар йили кенгайтириб борамиз. Чунки тадбиркор иқтисодиёт пойдевори, давлат таянчи, — деди Президент.

Шавкат Мирзиёев ишлаб чиқариш фаолияти учун тайёр бино-иншоотлар қуриш лойиҳаси билан ҳам танишди. Технопарк ичиде “Mimar Group” компанияси томонидан икки қаватли мажмуа қурилиб, кичик корхоналар ва ҳунармандларга муддатли тўлов асосида сотилмоқда. Уларнинг ҳар бирида алоҳида ишлаб чиқариш ва кўргазма майдонлари бўлади.

Бугунги кунда шундай биноларда умумий қиймати 3 миллион долларлик 4 та лойиҳа — эшик-ромлар, тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш учун профилилар ва куёш панеллари корхоналари иш бошлаган.

Президентимизга технопаркдаги режалар бўйича маълумот берилди. Жумладан, қурилиш материаллари, электротехника, логистика ва хизмат кўрсатиш, текстиль ва тўқимачилик саноати, озик-овқат саноати каби йўналишларда 386 миллион долларлик 46 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, технопаркдаги корхоналар учун мутахассислар тайёрлашда дуал таълим йўлга қўйилади.

Умуман, технопаркда 2025 йилда 235 миллион долларлик 37 та, 2026 йилда эса 50 миллион долларлик 1 та лойиҳа ишга туширилади. Натижада 10 мингта янги иш ўрни ва 35 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади.

Ўтган ўн ойда Янгиҳаёт туманида 3 мингдан зиёд аҳоли доимий ишга жойлаштирилган, 6 мингта ўзини ўзи банд қилган шахс рўйхатдан ўтказилган.

Сўнг давлатимиз раҳбари Янгиҳаёт туманидаги Хушнуд маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти, ҳудуддаги ўзгаришлар билан танишди.

Маҳалла янги — 2021 йил ташкил этилган. Бу ердаги 48 та кўп қаватли уй ҳамда 625 та ҳовлида 11 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Болалар боғчаси, спорт мактаби, онлави поликлинника, хусусий клиника, ишлаб чиқариш корхоналари, дўкон ва маиший хизмат шохобчалари бор. Бу йил 49 та микролоиҳа орқали 116 нафар фуқаро бандлиги таъминланди.

Аваллари бу жойлар чекка, кўримсиз эди. 2018 йилдан бошлаб замонавий уйлар, болалар ўйингоҳи ва спорт майдончалари қуриди. Атроф ободонлаштирилди.

Маҳалланинг уч қаватли биноси ҳам шу йил бунёд этилди. Унинг биринчи қаватида маҳалла раиси ва ходимларнинг хоналари, кутубхона, жадидлар бурчаги жойлашган. Юқори қаватларда аниқ фанлар ва хоржий тиллар бўйича ўқув маркази, фитнес зал фаолият олиб бормоқда. Ертўла қисмида ёшларни касбга йўналтирувчи мономарказ ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу шароитларни кўздан кечирди. Маҳалла фаоллари ва нурунийлар билан суҳбатлашди. Улар сўнгги йилларда Янгиҳаёт тумани жадал ўзгаргани, янги транспорт йўллари ва корхоналар қурилиб, ҳаёт жонланганини айтди.

— Бугун келишимиздан мақсад қабул қилаётган қарорларимиз натижасини, одамлар ҳаётини кўриш. Худди бу тумандагидек, ҳар бир ҳудудни ривожлантириш, одамларга қулайликлари ва иш жойларини кўпайтиришга ҳаракат қилияпти. Шу билан бирга, таълим-тарбияга, маданиятга катта эътибор қаратаймиз. Билим ва маънавият мустақам бўлса, иқтисодиёт ҳам яхши ривожланади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент маҳалладаги 150 ўринли, замонавий шароитлар яратилган хусусий боғча фаолияти билан ҳам танишди. У жорий йилда фойдаланишга топширилган 16 қаватли уйнинг биринчи-иккинчи қаватида жойлашган. Муассаса хоналарини жиҳозлашда замонавийлик ва миллийлик уйғунлашувига алоҳида эътибор қаратилган.

Маҳаллада ёш болали аёллар кўп. Улар учун шу ерга яқин жойларда тикувчилик, қандолатчилик каби йўналишларда иш ўринлари яратилмоқда. Мазкур боғча улар учун анча қулай бўлди. Кўнгли хотиржам иш билан банд бўлади, оиласига қўшимча даромад келтиради.

Мамлакатимизда муҳим дастурлар айнан маҳаллаларда амалга ошириляётгани, тизимга катта ваколат ва имкониятлар берилёётгани таъкидланди. Бу ишлар улардаги ободлик, аҳоли фаровонлигида ифодасини топаётганини қайд этилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Иқром АВВАЛБЕКОВ,  
ЎЗА мухбирлари



Халқимиз табиатни “она” дейди, ерни, сувни эъзозлайди. Бунинг замиридаги ҳақиқат ҳозирги экологик муаммолар таъсирида яққол намоён бўляпти. Шунинг учун “Яшил макон” лойиҳасини бошладик. Келгуси йил номини ҳам атроф-муҳитни асраш масаласига бағишладик. Энди бу ташаббуслар кенг ёйилиши, айниқса, ёшларимизга чуқур сингиши зарур. Ҳар бир хонадон, ҳар бир корхона табиатни асрашга ҳисса қўшиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАБИАТНИ АСРАШ —  
ИНСОННИ АСРАШ  
ДЕМАҚДИР

2

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ  
ЯНГИ ТИЗИМИ

3

УЧҚУНЛАНАЁТГАН УМИДЛАР РЎЁБИ

ЭНЕРГИЯ  
ИСРОФИДАН

4

ҚАЙТАЙЛИК, ҚАЙТАРАЙЛИК!



Камбағалликдан фаровонлик сари

КЕКСАЛАР ЎГИТИ ЁШЛАРНИ ҲАЛОЛ МЕҲНАТГА ЎРГАТАДИ

Маҳалладаги ёшлар етакчиси уй юмушлари билан банд бўлган Шарифжонга эртага маҳалла фуқаролар йиғинига боришни тайинлаб кетди. Йиғит кечкурун ишдан келган отасига буни айтиди, ammo нима масалада чақирилганини сўраб қолмагани ёдига тушиб, бир оз каловланди.

— Яхши, чиқиб келавер. Уйда бекор ўтирган бўлсанг. Балки бирор юмушга кўмак сўрашар, — деди отаси гапни қисқа қилиб.



Ҳақиқатан, Шарифжон бир-икки йилдан буён олий ўқув юртига киришга тайёрланиб, имтиҳондан ўтолмагани учун уй юмушлари ва масумий ишлар билан банд бўлар, гоҳида уйда бекор бўлган кезлари маҳалла юмушларига қарашли турарди. У ҳанузгача бирор ишнинг бошини тутмаган.

Ўқишга кирса, бирор соҳада ишлаб кетар, деган ўйда ота-онаси ҳам имтиҳонларга тайёрланиши учун Шарифжонга шaroит яратиб берган эди.

Нурота туманининг Муस्ताқиллик маҳалласи эрталабдан ёшлар билан гавжум. Маҳалланинг Шарифжондан бошқа ёш

лари ҳам йиғилган. Шу куни маҳалла нурунийлари ишсиз ёшлар билан учрашди. Мулоқотда ёшлар кексалардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Нурота туманидаги Муस्ताқиллик маҳалласида “Кексалар маслаҳати гуруҳи” аъзоси, хунарманд Найим Пулатовни нафақат туманда, балки вилоятда ҳам кўпчилик танийди. Бир ойда ўртача 30 та тандир ясайди ва бу камда 7-8 миллион сўм даромад, дегани. Қолаверса, уста маҳалласидаги ишсиз 4 ёшга хунарини ўргатадими. Улар орасида Шарифжон ҳам бор. Ҳозир йиғит мустақил тандир ясамоқда.

Фаровон турмуш ва оила хотиржамлигини таъминлашга йўналтирилган бугунги ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда нурунийларнинг ҳам ўз ўрни бор. Айниқса, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишда отахону онахонлар мутасаддилар ва “маҳалла еттилиги”га яқин кўмакчи бўлмоқда.

— Бугунги кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда нурунийлар фаол иштирок этаётди. Маҳаллаларда фаолият юритаётган “Кексалар маслаҳати гуруҳи”, “Бувижонлар мактаби” ёшларнинг ҳаётда тўғри йўл топиши, илмли, касб-хунарли бўлишида муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, “Бир нуруний — ўн ёшга масъул” тамойили ниятда узокни кўзлаган эзгу ғоя. Шу асосида туманидаги нурунийлар маҳалладаги ёшларнинг бандлигини таъминлашга ҳисса қўймоқда. — дейди “Нуруний” жамғармаси Нурота тумани бўлими раиси Сунондж Қулманов.

Айни пайтда нурунийлар маҳаллаларда уйма-уй юриб, аҳоли билан суҳбатлашиб, оилаларнинг камбағалликка тушиб қолиши сабабини ўрганипти. Шунингдек, томорқадан самарали фойдаланиш, уй-

жойни файзли маконга айлантириш, тозаланиш сақлаш, тўғри овқатланиш, хотин-қизлар ва ёшларни ўқитиш, касб-хунарли қилиш, ҳалол меҳнатга ўргатиш бўйича учрашувлар ташкил этиб, фойдали тавсия ва маслаҳатларини ҳаётдаги ибратли мисоллар билан тушунтириб бермоқда.

Ҳозир Навоий вилоятида 100 мингдан зиёд нуруний истикомат қилади. Шундан 4290 нафари “Кексалар маслаҳати гуруҳи”, 4200 нафари эса “Бувижонлар мактаби” аъзоларидир.

Муаззам Самиева Нурота туманининг Эшонсудур маҳалласида яшайди. Онахон “Бувижонлар мактаби”нинг фаол аъзоларидир. Шу билан бирга, кўлгул хунарманд ҳам. У маҳалладаги 50 хотин-қизга каштачилик сирларини ўргатиб, уларни касаначилик асосида иш билан таъминлаган. Шунинг учун ҳам ҳозир бу маҳалла каштачилар маҳалласи, дея эътироф этилади.

— Нуротада ёшларга каштачиликни ўргатиш момоларимиздан мерос анъана. Мен ҳам устозларимдан ўрганганман. Энди эса шогирдларимга ўргатаман. Аксарияти уйда буюртма тикиб, касаначилик асосида даромад топапти. “Бувижонлар мактаби”га аъзоман. Шу боис, маҳалламиздаги ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича “маҳалла еттилиги” билан маслаҳатлашган ҳолда барча чораларни кўраман. Ҳозир эҳтиёжманд оилаларнинг камбағалликка тушиб қолиши сабабларини ўрганиб, уларни доимий даромадли иш билан таъминлаш, касб-хунарга ўргатиш бўйича ҳам тавсияларимизни бериб келялмиш, — дейди хунарманд Муаззам Самиева.

Навбахорлик нурунийлар ҳам айни вақтда фаол ва эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш, турмушини фаровон

қилиш бўйича мутасаддиларга маслаҳат ва тавсиялари билан яқиндан кўмак бермоқда. Уларнинг бу эзгу ишларига ҳудуд тадбиркорлари камарбаста бўлмоқда. Жумладан, Сарой маҳалласида жойлашган уй ишлаб чиқариш корхонасида бугун 500 дан ортққ фуқаро меҳнат қилади. Айни вақтда бу ерда яна қўшимча ишлаб чиқариш заводи қуриломоқда. Туркия технологияси асосида ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, қўшимча 70 та янги иш ўрни очилади. Навбахорлик нурунийлар тадбиркорлар билан учрашиб, янги иш ўринларига, асосан, эҳтиёжманд оилалар аъзоларини ишга қабул қилиш бўйича тавсия бермоқда.

Навбахор туманида қишлоқ ҳўжалиги ривожланган. Аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиши, яхши даромад олиш бўйича бошқа ҳудудларга намуна. Деҳқончилик бўйича кўп йиллик тажрибага эга нурунийлар ҳозир экин экиш ва яхши ҳосил олиш сирларини эҳтиёжманд оилалар вакилларига ўргатиб, уларни камбағалликдан чиқариш бўйича яқиндан ёрдам бермоқда.

Бир гектар ерга анок экиб, йилга 100 миллион сўмдан ортққ даромад топаётган Муҳаббат Ғофурова Армижон маҳалласидаги “Бувижонлар мактаби” фаол аъзоси. Онахоннинг ҳаёт йўли ҳам кўпчиликка намуна. Анорчиликда тўплаган бой тажрибаси қўни-қўшиларга қўл келмоқда. Билмаганини онахондан ўрганиб, яхши ҳосил олмақда. Шундай нурунийлар туфайли ҳозир анорчилик Армижон маҳалласининг драйверига айланган.

— Анорчилик билан шуғуллана бошлаганимга йилгирма йилдан ошди. Яхши даромад туфайли фарзандларимизни ўқитди, уйли-жойли қилди. Маҳалламиз ёшлари, қўни-қўшилар маслаҳат сўраб келади.

Уларга бажонидил анорчилик сирларини ўргатаман. Ҳозир “Бувижонлар мактаби” аъзоси сифатида маҳалламиздаги ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлашга ёрдам берамиз. Меҳнат қилиши, кам бўлмаслигини ўқитиб, дунёқарашини ўзгартиришга интилялмиш. Сидқидилдан ҳаракат қилса, келгусида доимий даромадга эга бўлишни тушунтирармиш, — дейди Муҳаббат Ғофурова.

Қизилтепа туманидаги нурунийлар ҳам фаол. Маҳаллаларда ишсиз фуқаролар ва ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг қизиқиши, касб-хунарга лаёқатини ўрганишда, тадбиркорлик қилиш истигидларининг имтиёзли кредит олишида кўмаклашмоқда. Бизнес режаларини амалга оширишда маслаҳатлар бермоқда. Аёлларнинг тикувчилик, хунармандлик ва бошқа соҳаларда меҳнат қилиши учун шароит яратилишига бош-қош бўлмоқда. Шу билан бирга, томорқадан самарали фойдаланиш, асаларчилик, чорвачилик, паррандачилик ва бошқа йўналишлар билан шуғулланиб, доимий даромад олиш мумкинлигини анок ва ҳаётли мисоллар билан тушунтириб бермоқда.

Жараёнларда нурунийларнинг фаол иштирок этаётгани камбағалликка тушиб қолган ишсиз фуқароларнинг дунёқарашини ўзгартириш, билим олиб, касб-хунар ўрганиши ва доимий даромадга эга бўлишида муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, кексаларнинг ҳаёт йўли, турли соҳаларда орттирган бой тажрибаси бугунги авлодлар учун ибрат мактабидир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ ТАБИАТНИ АСРАШ — ИНСОННИ АСРАШ — ДЕМАКДИР

“Биз табиат ҳақида сўз юритганда, кўпинча “она табиат” деган иборани ишлатамиз. Ўйлайманки, бу шунчаки чиройли, шоирона сўз эмас, балки унинг замирида чуқур ҳаётли ҳақиқат бор. Биз мўътабар она зотини қандай юксак ҳурмат-эҳтиром қилсак, ўзимизни қуршаб турган табиатга ҳам шундай муносабатда бўлишимиз зарур. Зеро, табиатни асраш — инсонни асраш демекдир”.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини қўриб чиқишга бағишланган мажлисидаги нутқидан олинган бу иқтибос, ўйлайманки, халқимизнинг дилидаги гаплар. Чунки кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, чўлланиши, глобал иссиқ, табиий офатларнинг кўпайиши атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига жиддий зарар етказмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб номлашни таклифни қилди.

Табиат ва инсон ўртасидаги муносабатлар йилдан йилга тобора мураккаблашиб бормоқда. Сайёрамизда авж олаётган зиддият ва қарама-қаршиликлар туфайли янгидан янги хавф-хатарлар юзага келмоқда. Мураккаб геосиёсий вазият, энергия ва сув ресурслари тақчиллиги, турли эпидемия ва табиий офатлар, иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги кескин ўзгаришлар одамзодни инновацион ечимлар излаш, креатив ёндашувлар топиш, оқилона чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ундаётган.

Айниқса, охириги йилларда энергетика ва озим-овқат нархи кўтарилиб бораётганидан ҳамма хавотирда. Чунки бунинг ортидан жаҳонда бошқа махсулотлар таннархи ошиб, шунга яраша инфляция кўрсаткичи ҳам юқорилаб бормоқда. Қолаверса, Ер шарни аҳолиси кун сайин кўпайиб, табиий ресурслар захираси муттасил қисқараётгани — яна бир катта муаммо. Бундай номуносаблик мамлакатларни танг аҳолига солиб қўймоқда. Хусусан, глобал экологик муаммолар кескинлашуви кузатилиб, иқлим ўзгариши тобора кучайиб борапти.

Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даража кўтарилган. Минтақамиздаги асосий дарёлар ҳавзаси ва биологик хилма-хиллик қисқа-

раётганидан кўпчилик ташвишда. Боз устига, буғулини даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштиряпти. Оқибатда “яшил” тараққиёт ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш зарурати ҳақида бонг урилмоқда. Аслида, муаммони ечишининг бундан бошқа самарали чораси ҳам йўқ.

Боку анжумани ва Ўзбекистоннинг муҳим ташаббуслари

Жорий йил 12-13 ноябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадди конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) доирасида ўтказилган Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш соҳасидаги ҳаракатлар бўйича жаҳон саммити ҳам муаммо кўлами кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Деярли барча мамлакат, нуфузли халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти вакиллари тўплаган форум иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш, муаммога оид стратегиялар ва “яшил” энергетикага ўтишни молиялаштириш бора-сидига халқаро сазй-ҳаракатларни бирлаштиришда гоят муҳим аҳамиятга эга. Иқлим ўзгаришини муаммоси Орол денгизи қуриши оқибатида келиб чиққан экологик инқирозни бошдан кечираётган Марказий Осиё минтақаси учун энг ўткир муаммолардан биридир.

Давлатимиз раҳбари мазкур халқаро анжуманида сўзлаган нутқида Ўзбекистон улгурд нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотларни қатъий давом эттираётганини таъкидлади. Жумладан, 2030 йилгача ҳавога иссиқхона газини чиқарилишини 35 фоиз камайтириш режа қилинган. Иқтисодиётда эса “яшил” энергетика улуши 40 фоизгача оширилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳаво ифлосланишини кескин камайтиришга

са, жиддий сезилмоқда. Минтақамизда ҳаво ҳарорати ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар юқори. Сўнгги йилларда февралда иссиқ кунлар сони икки марта ортди, музликлар майдонининг учдан бир қисми эриб кетди. Тупроқ емирилиши, мунтазам чанг ва кўм бўрони, ичимлик сув тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши, биохимия-хиллик қисқариши, ҳосилдорликнинг кескин пасайиши ва кўплаб бошқа муаммолар минтақада истикомат қилаётган миллионлаб одамларнинг турмуши сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис, “яшил” иқтисодиётга ўтиш ва улгурд нейтраллигига эришиш янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаси сифатида белгилаб олинган. Боз устига Ўзбекистон ўз зиммасига атмосферага зарарли чиқиндилар чиқаришни камайтириш бўйича мажбурийлар олган. Гап шундаки, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Париж битими қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжат 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган. Битимнинг мақсади БМТ Иқлим ўзгаришлари бўйича доимий конвенцияси амалга оширилишини фаоллаштириш, глобал ўртача ҳароратнинг таъмин бўйича 1,5 даражага ўсишини чеклашга эришишдан иборат. Бу 2050 йилга бориб, иссиқхона газини глобал ажратмасини 40-70 фоиз камайтириши ва 2100 йилга бориб, уни 0,8 келвинга кўрсаткичга етказишни талаб этади.

Давлатимиз раҳбари COP29 анжуманида сўзлаган нутқида Ўзбекистон улгурд нейтраллигига эришиш бўйича кенг миқёсдаги ислохотларни қатъий давом эттираётганини таъкидлади. Жумладан, 2030 йилгача ҳавога иссиқхона газини чиқарилишини 35 фоиз камайтириш режа қилинган. Иқтисодиётда эса “яшил” энергетика улуши 40 фоизгача оширилади. Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳаво ифлосланишини кескин камайтиришга

хизмат қиладиган электромобиль ва “яшил” водород кластерлари, қуёш ва шамол генерация хабарли яратилмоқда. “Яшил макон” дастури доирасида кўкаламзор ҳудудлар кескин кенгайтириляпти.

Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларини иқлим ўзгаришларига мослаштириш, углевод нейтраллигига эришиш ва “яшил” энергетика улушини кескин ошириш стратегик вазифа сифатида белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарориди атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни қўйиштириш масалалари белгиланган иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослаштириш учун хизмат қилмоқда.

Боқудиги COP29 анжумани доирасида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон ўртасида Европага “яшил” энергия етказиш бўйича кўп томонлама битим имзолади. Ушбу энергия шамол ва қуёш энергияси бўлиб, қайта тикланидиган ва тоза манбадир ҳамда иқлимга таъсирини юмшатиш имконини беради. Шу орқали томонлар Париж битими ва Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида иқлимни муҳофаза қилиш бўйича қўшма сазй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатларимиз қайта тикланиувчи энергиянинг катта захирасига эга бўлиб, глобал энергетик ўзгаришларга салмоқли хисса қўиши мумкин.

Шу муносабат билан Президентимиз бўйича йўналишдаги кенг кўламли ишларнинг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтди. Хусусан, юртимизда “яшил” энергетикани жадал ри-

вожлантириш бўйича катта дастур қабул қилинган бўлиб, ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилмоқда. Бундан ташқари, жорий йил охиригача тармоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тикланиувчи энергия ишлаб чиқариш қуввати ва 300 мегаваттлик энергия сақлаш тизими уланади. 2030 йилга бориб, қайта тикланиувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш, шунингдек, 4,2 гигаваттлик энергия сақлаш тизимини яратиш режалаштирилган. Бундан натижада ўн минглаб янги иш ўрни очилади. Энергетика инфратузилмаси ривожланади, технологик ва ишбилармонлик алоқалари кенгайди. Аҳоли фаровонлиги ошади. Иқлим яхшиланишига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Инсоният қайта тикланимайдиган, ҳавога зарарли чиқарилишни кўп чиқарадиган энергия ресурсларига ружу қўйган. Бунинг оқибатида охириги 2010 йилда 4,5 миллиардга яқин одам йирик табиий офат кўринишидаги иқлим ўзгариши таъсиридан азият чекди, 1,2 миллион киши ҳалок бўлди, иқтисодий зарар эса қарийб 3 триллион долларни ташкил этди.

Мутахассислар фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари географик жойлашувига қўра, иқлим келтириб чиқарадиган оқибатларга кўпроқ мойил. Бугун Марказий Осиё мамлакатлари иқлим ўзгариши билан боғлиқ бир қанча салбий оқибатларни аллақачон бошдан кечирмоқда. Масалан, музликлар майдонини қисқариши туфайли охириги 50-60 йилда минтақадаги музликлар майдони 30 фоиз камайд. Ҳароратнинг 2 даражага кўтарилиши муз-

ликлар майдонининг 1,5 баробар, 4 даражага кўтарилиши 80 фоиз қисқаришига олиб келиши мумкин. Сув ресурслари етишмаслиги ҳам энг йирик муаммолардан.

Фаразларга қўра, 2050 йилга бориб, сув ресурслари Сирдарёда 5 фоиз, Амударё 15 фоизгача қисқаради. Ер деградацияси ва чўлланиш ҳам катта муаммолардан. Мана шуларни инобатга олиб, давлатимиз раҳбари Боку саммитида қатор ташаббусларни илгари сурди. Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ таъсис этиш, БМТ шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбурийлар тўғрисидаги декларацияни ишлаб чиқиш, денгизга чиқиш имкони бўлмаган давлатлар учун юртимизда БМТнинг инновацион агросаноат хабини яратиш, иқлим ўзгаришидан зарар қўраётган мегаполис ва шаҳарлар барқарор ривожланиши бўйича илгор билим ва амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш ва унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш таклифи шулар жумласидан.

Президентимизнинг COP29 анжуманида илгари сурган таклиф ва ташаббуслари “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган экологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича вазифалар билан ҳаммагон эканини таъкидлаш жоиз. Стратегиядаги вазифаларга қўра, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 444 та яшил боғ барпо этилади. Бунинг учун барча давлат идоралари, корхоналар, таълим муассасалари ҳудудида яшил боғлар ташкил қилинади. Айниқса, йирк саноят корхоналари бу борада алоҳида жонбозлик кўрсатиши назарда тутилган. Ўрмонлар майдонини кенгайтириш борасида ҳам вазифалар белгиланган. Хусусан, мамлакатнинг ўрмон билан қопланганлик даражасини 8,1 фоизга, Оролбўйи ҳудудидаги ўрмонларни 1,9 миллион гектарга етказиш, Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 200 миң гектар яшил майдон барпо этиш вазифалари қайд этилган. Бундан ташқари, иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида чўлланиш, қургоччилик, чанг-кўм бўрони ва ҳарорат кўтарилишига қарши чора сифатида жами 400 миң гектар майдонда “яшил қоплама” — ҳимоя ўрмони барпо этилади. Бу эса, ўз навбатида, турли чанг-тўзон кўтарилишига қарши туришда муҳим аҳамият касб этади.

Боку саммитида илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар Ўзбекистоннинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилиши ва ўзаро сазй-ҳаракатларни бирлаштиришга таъйирлигини намоён этади. Айни вақтда нафақат мамлакатимиз ва минтақамиз, балки бутун дунёда глобал харақатдаги экологик муаммоларни бартараф этиш, экологик хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва унга мослаштириш имконини беради.

Муниҳон ИСОҚУЛОВА, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси доктoранти





# 8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Отабек НОРБОЕВ,  
Инсон ҳуқуқлари бўйича  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий маркази бўлим бошлиғи

Юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш, миллий қонунчиликни жаҳон стандартларига мослаштириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳозирга қадар Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат, хусусан, БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича қабул қилинган 10 та мажбурий халқаро шартномани ратификация қилиб, улар бўйича белгиланган мажбуриятларини бажариб келмоқда.

Бу борада жорий йилда яна бир муҳим янгилик юз берди. Илк бор инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни кўриб чиқиш ва тавсиялар бериш учун масъул орган ҳисобланган БМТ Инсон ҳуқуқлари кўмитаси аъзоллигига Ўзбекистон вакили сайланди.

Инсон ҳуқуқлари устувор бўлган ва қадрланган давлатларда уларни ҳимоя қилиш механизмлари мунтазам такомиллаштириб борилади. Бу борада жамиятимиздаги миллий институтларнинг ўрни беқисс. Кейинги йилларда



улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу ўринда янги тахрирдаги Конституцияимизнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Асосий қонунимизнинг 56-моддасига кўра, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдирди, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга қўмаклашди. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратди.

Ушбу нормалар мисолида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга конституциявий мақом берилди ва бу бежиз эмас. Чунки фуқаронинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки тегишли судлар орқали эмас, балки инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар кўмагида ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими таркибига Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбулсдмани), Президент ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Бизнес омбулсдман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази киради. Улар фаолияти инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро андозалар ва илгор хорижий таъриба асосида ташкил этилган ҳамда муттасил такомиллаштириб борилмақда.

Янги тахрирдаги Конституциянинг 40-моддаси, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонун талаблари ва Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 10 декабрдаги қарори билан берилган ваколатлар доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш йўлга қўйилган.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилнинг 10 ойида марказга жами 1256 та муносабат келиб тушган. Уларнинг 1222 таси тааллуқлиги бўйича кўриб чиқиш учун тегишли идораларга юборилган.

Мониторинг натижалари таҳлил даврида келиб тушган муносабатларнинг аксарияти ўтган йиллардаги каби одил судловни амалга ошириш, суд қарорларидан, дастлабки тергов ҳаракатлари ҳамда уларни юритган масъул шахсларга оид, Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари қароридан норози-



“Миллий марказ томонидан турли давлат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жорий йилнинг 10 ойи давомида юборилган 380 дан ортиқ тавсия кўриб чиқиши натижасида 26 та муносабат юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди. 46 ҳолатда фуқароларга ҳуқуқлари тикланиши ва қонуний манфаатлари таъминланишида кўмаклашилди, 188 ҳолатда эса фуқароларга қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича тегишли ҳуқуқий тушунтириш берилди. Натижада 1 фуқаро оқланди, 1 нафари қамқондан озод этилди ва жазоаси енгиллаштирилди. Ноқонуний ишдан бўшатилган 4 киши ишига тикланди. Бундан ташқари, 1 мансабдор шахс интизомий, 2 шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Судларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни кузатиш мақсадида жами 12 та суд жараёнида Миллий марказ вакили иштирок этди. Бундан ташқари, 1 мансабдор шахс интизомий, 2 шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Судларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни кузатиш мақсадида жами 12 та суд жараёнида Миллий марказ вакили иштирок этди. Бундан ташқари, 1 мансабдор шахс интизомий, 2 шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Бўзган бир инсоннинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун бир неча йил талаб этилмоқда. Яъни Миллий марказ томонидан кўриб чиқилган айрим муносабатлар бўйича унда кўтарилган масалани қонуний ҳал қилиш ва коллатига эга бўлган давлат органига киритилган тавсия ва хулосалар юзасидан бир неча йиллардан сўнг ижобий қарорлар қабул қилинмоқда. Миллий марказ киритган тавсияларга биноан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳам тикланмоқда. Бу жараёнда бир қанча ҳолатда муносабат эгаларига 800 миллион сўмга яқин моддий зарар ундириб берилди. Фуқароларга “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонун мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида жойларда очик мулоқотлар ўтказилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг Охангарон туманида ва Сирдарё вилоятининг Ховос туманида шундай ҳуқуқий-маърифий учрашувлар ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш борасида самарали ишларни бажармоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институт сифатидаги конституциявий мақомига қатъий амал қилмоқда.

Бир оилада уч фарзанддан бирининг имконияти чекланган. Халқимиз таъбири билан айтганда, бундай вазиятда онанинг “икки қўли ҳам боғланади”. Яъни ишлаш учун имконияти бўлмайдди. Бор кучи ва меҳри билан фарзандлари, айниқса, имконияти чекланган дилбанди парваришига эътибор қаратади. Оиладаги бундай муҳитдан кўнгли нотинч ота ҳам бирор жойда хотиржам ишлаш олмайди. Табиийки, бу ҳолат оилани муҳтожлик ёқасига олиб келади. “Қўлдан берганга куй тўйма”, деганларидек, ахён-ахёнда берилмаган нафақа пули ёки яқинларнинг кўмаги билан оилани оёққа турғазлаш мушкул.



# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ УЧҚУНЛАНАЁТГАН УМИДЛАР РЎЁБИ

Бир оилада уч фарзанддан бирининг имконияти чекланган. Халқимиз таъбири билан айтганда, бундай вазиятда онанинг “икки қўли ҳам боғланади”. Яъни ишлаш учун имконияти бўлмайдди. Бор кучи ва меҳри билан фарзандлари, айниқса, имконияти чекланган дилбанди парваришига эътибор қаратади. Оиладаги бундай муҳитдан кўнгли нотинч ота ҳам бирор жойда хотиржам ишлаш олмайди. Табиийки, бу ҳолат оилани муҳтожлик ёқасига олиб келади. “Қўлдан берганга куй тўйма”, деганларидек, ахён-ахёнда берилмаган нафақа пули ёки яқинларнинг кўмаги билан оилани оёққа турғазлаш мушкул.

Бундай вазиятда махсус ёндашув асосида оила аҳволи чуқур ўрганилиб, камбағалликдан чиқариш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилиши нафақат оила, балки бутун жамият ҳаётида ўзига хос ўзгаришларга хизмат қилади. Зеро, кўмакка муҳтож бир оиланинг ҳаёти ўнгилгани шу оила аъзоларига эмас, уларнинг яқинлари, қўни-қўшнилар, қолаверса, маҳалладашлар руҳиятига ҳам кўтаринкилик бахш этади. Бундай ўзгаришлардан хабардор ҳар бир инсон юртимизда ҳеч ким ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаётганига яққол ишонч ҳосил қилади. Бу туйғу ҳар бир кишида ҳаётга муҳаббат ва интилишни кучайтиради, яратувчиликка, ўзаро меҳр-оқибатга ундайди.

Янги Ўзбекистоннинг инсон қадрини улуғлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя тизими ана шундай эзгу тамойилларга асосланган. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ижтимоий дастурларни молиялаштириш ҳаражати ЯИМга нисбатан 2 баробар ошиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 қарра кўпайди. Ногиронлиги бўлган шахслар ва болалар парвариши билан баъд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Янги тахрирдаги Конституцияимизда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд бошқа тоифалари ҳуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши қайи этилди. Хусусан, Конституцияимизнинг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланди. Шунга мувофиқ, 2023 йил 1 июнда аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш бўйича фармон қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентли ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгарди. Қабул қилинаётган турли дастурлар, манзилли ижтимоий хизматларни самарали амалга ошириш ва бу жараёнда ижтимоий хизмат учун кейс-менеджмент услулари жорий қилиш эҳтиёжманд аҳолининг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилашга хизмат қилмоқда. Ушбу усул ҳар бир инсон ёки оила ҳолатини алоҳида таҳлил қилиб, эҳтиёжига мос ёрдам кўрсатиш имкониятини яратди.

Шундай хизматлар кўрсатилган юқорида айтилган оиланинг ҳам ҳаётини тубдан ўзгартирди. Аввало, ногиронлиги бор фарзандга аравача олиб берилди. Энди у тенгдошлари қатори мактабга бориб, таълим олиш имконига эга бўлди. Ота қамбағил хайдовисини бўлиб иш бошлади, даромади чакки эмас. Она ўн йиллик танаффусдан сўнг ўз касби — ўқитувчиликка қайтди. Оила аҳли томоққадан ҳам мўмай даромад олишга ҳаракат қилапти. Шу тахил оила доимий даромад манбаига эга бўлди. Бу эса хонадон аҳлининг ҳаётини буткул ўзгартирди. Айниқса, ота-онанинг қувончи чексиз. Улар, аввало, ногиронлиги бор дилбанди тенгдошлари билан

бир сафда таълим олаётганидан қувончини яшира олмайди. Эндиликда ижтимоий ҳимоя тизими янада такомиллашади. Бу ҳақда Президентимиз яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг биринчи йиғилишида сўзлаган нутқида алоҳида тўхталиб, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида келгуси йил бюджетдан 500 миллиард сўм йўналтирилишини таъкидлади. Шунингдек, янги йилдан 65 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар, 50 га яқин имтиёزلарни ўзидан мужассам этадиган ягона “Ижтимоий карта” тизими йўлга қўйилди.

Даромади ва соғлигини йўқотиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган юртдошларимизни қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида қонунчилигимиз янада такомиллаштирилади. Имконияти чекланган болаларнинг умумтаълим мактабларига қатнаши учун тўқсизсиз муҳит ва зарур шароит яратилади, махсус педагог ва психологлар жалб қилинади.

Ўз навбатида, янгилаётган ижтимоий ҳимоя тизими имкониятларидан баҳраманд бўлаётган оилалар ҳам қўлайли бораётди. Нуроталик Жалолдин Соҳибов ҳозир турмуш ўртоғи билан бирга кўмак бериш тўшака мижнаби қолган бу инсонга кўмак бериш мақсадида ижтимоий ходим томонидан оила индивидуал ёндашув асосида комплекс баҳолалиб, қатор ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Жумладан, реабилитация техник воситаси билан таъминланди. Соғлигини яхшилаш учун вилоят ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитация қилиш ва протезлаш марказига йўланма берилди.

Кам таъминланган оилани камбағалликдан чиқариш мақсадида маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда субсидия асосида электр скутер олиб берилди. Албатта, ижтимоий ҳимоя тизимини ушбу кўмаги бесаар кетмади. Жалолдин Соҳибов ҳозир турмуш ўртоғи билан бирга кўмак озиқ-овқат дўкони очиб, элга хизмат қилапти. Асосийси, онанинг даромади ошиб, фаолиятини кенгайтириши мақсад қилган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотига кўра, ҳозир мамлакатимиз бўйлаб “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида аҳолининг эҳтиёжманд қатламини оғир ижтимоий вазиятдан олиб чиқиш учун чора-тадбирлар кўриб келинмоқда. Жондор тумани Ромиш маҳалласида яшовчи Лола Бўриеванинг турмуш тарзи ҳам худди шу дастур сабаб бугун бошқана тус олди.

Лола Бўриева турмуш ўртоғидан эрта айрилган. Уша вақтда кичкина ўғли беш ойлик эди. У ҳозир 4 ёшга тўлди. Ўтган йиллар ёш она учун катта синов даври бўлди. Икки фарзанди билан айрилиқ юкнини кўтариш баробарида, оила тебратиш, фарзандларини боқиш, тарбиялаш учун олга интилоғи зарур эди. Бугун Лола турмуш ўртоғининг ишини давом эттириб, машина шинасини тузатиш билан шуғулланапти. Бу ишни рисоладагидек бажариши учун хонадонда электр энергияси қуввати камлиги қийинчилик туғди-



рарди. “Маҳалла етилиги”, ижтимоий ходим хонадонига келиб шароитини ўргангач, бир неча ижтимоий хизматлар кўрсатилди. Хусусан, хонадондаги электр энергияси қуввати ошириб берилгач, фаолиятни рисоладагидек давом эттириш имкони вужудга келди.

Бундан ташқари, бир сотих ерга иссиқхона қуриб берилди. Ҳозир у ерда кўкат етиштириляпти. Оилага кўмак бўлсин, дея олиб берилган сингир сути болаларга озуқа бўлмоқда. Уй бекаси ортиб қолган сутни сотаяпти. “Маҳалла етилиги” кўмаги билан олиб берилган паррандалар ҳам тухумга кириб, рўзгор баракасига ҳисса қўшапти.

Лола Бўриева бу имконият ва имтиёزلардан жуда мамнун. Бунга жавобан икки фарзандини ўқитиб, яхши мутахассис қилиш ҳамда эҳтиёжмандларга ёрдам берадиган саховатли инсонлар этиб тарбиялашни кўнглига туққан.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида бу жаҳадаги эзгу ишлар кўламини кенгайтириш билан боғлиқ муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, муҳтожларни ижтимоий ҳимоя билан тўлиқ қамраб олиш, ногиронлиги бор шахсларга сифатли ва замонавий протез-ортопедия буюмларини етказиб бериш кўзда тутилган.

Президентимизнинг шу йил 27 февралдаги “Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим асос бўлди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотига кўра, муҳтож шахслар учун протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситаларини ваучер асосида электрон тижорат орқали олиш тизими йўлга қўйилган. Ушбу тизим муваффақиятли таърибадан ўтгач, юртимизнинг барча ҳудудда амал қилмоқда. Шу кунларда агентлик томонидан муҳтожликни аниқлаш ишлари янада фаоллашди.

Протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари ногиронлиги бўлган шахсларга тебиий-ижтимоий экспертиза хулосаси асосида, пенсия ёшидаги ногиронлиги бўлмаган шахсларга врачлик маслаҳат комиссиясининг тебиий хулосаси асосида бепул тақдим этилади. Бунинг учун фуқаролар ўзи яшаётган туман (шаҳар)даги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ёки маҳалласидаги ижтимоий ходимга муносабат қилиши мумкин. Бундан ташқари, қўшимча маълумот учун агентликнинг 1140 қисқа рақамига, қолаверса, уйдан чиқмасдан туриб, my.ihma.uz электрон платформаси орқали ҳам зарур воситаларга буюртма бера бўлади.

Президентимиз ижтимоий ҳимоянинг янгича тизими ҳақида тўхталар экан, “Жамиятимизда ижтимоий адолат ва инсон қадрини таъминлаймиш десак, бу янги тизимни жойларда самарали ишлатиб, муҳтож инсонларга мадад ва умид бағишлашимиз керак”, деган эди.

Бугун маҳаллалардаги ҳаётбахш ислохотлар юзлаб муҳтожларга қанот бағишлаётгани, натижада жамиятимизда шукрона, меҳр-оқибат, бағрикенглик муҳити тобора мустаҳкамланаётгани ушбу эзгу ниятлар рўёбга чиқаётганидан далалат. Бу ўзгаришлар ҳар биримизнинг қалбимизда она ватанимиздан фархланиш ҳиссини юксалтиради, юрт тақдирини ва келажагига дахлдорлик туйғусини кучайтиради.

Баҳор ХИДИРОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири





Мулоҳаза

# ЭНЕРГИЯ ИСРОФИДАН

## ҚАЙТАЙЛИК, ҚАЙТАРАЙЛИК!

Дарё бўйида яшасанг ҳам сувни исроф қилма, деган бобо-момоларимиз. Ахир табиий бойликлар ҳар қанча кўп кўринмасин, чекланган ресурс. Тасаввур қилясизми, улар бир куни ниҳоятда камайиб кетиши, ҳатто тугаши мумкин. Шунда сахар туриб, литрлаб сувга ювинишу ичимлик сувни томорқамизга беҳуда оқиб кўйишимиз барҳам топади. Айвонимизда кечаю кундуз ёниқ турадиган, ўчириш ҳеч қимнинг хаёлига келмайдиган чироқни ҳам белгиланган муддатдагина ёқишга мажбур бўламиз. Автомобилимизни ичимлик сув билан юва олмаймиз. Нега шундай? Чунки вазиятни ўзимиз шу томон олиб боряпмиз!

батан кенг яшаш ҳудудлари кўриниб туради. Айниқса, ҳовлилардан иборат маҳаллаларда кўча чироқлари умуман ўчирилмайди. Ахир қоқ ярим тун бўлса, аҳолининг асосий қисми аллақачон ишдан қайтишга улгургани аниқ, нима ҳожат экан деб ўйлайман. Аслида, кўп қаватли уйларида ҳам аҳвол шу — кириш чироқлари, ҳар бир қаватдаги алоҳида чироқлар деярли ўчмайди, узлуксиз “ишлайди”. Бир сафар ҳамқават қўшнимизга шу чироқларни ҳеч бўлмаса кундузи ўчириб қўйишга бўлмасикан, беҳуда исроф бўлиб ётибди, деганимиз: “Индаманг, укажон, сиз билан менинг чўнтагимдан кетяптими, ҳаммасини “ЖЭК” тўлайди, пулини қурутдек санаб олаётган бўлса. Аксинча, чироқ ёниқ турса, қават файзлироқ бўлиб туради”, деб жавоб бергани. Мен эса “Наҳотки, исрофда файз бўлса”, деб бир муддат ўйлаб қолганим.

Кўшимчимизнинг бундай тушунчаси, аслида, жуда қўнчилигимизга хос. Тунда атрофни ёритиб қўйиш ҳам биз сўнгги асрда орттирган “одат”ларимиздан. Бу ҳам етмагандек, кўп қаватли уйда яшовчилар орасида уйдан чиқа туриб, остона чирогини атайлаб ёниқ қолдириб кетадиганларни ҳам кўп учратганман.

Раҳматли бобом ниҳоятда тежамкор одам эди. Касби — фермер, ерининг асосий қисмини ер ости суви билан суғорарди. Ишчиларининг сув моторини сабасиз қўшиб қўйганини кўриб қолса, қаттиқ койириди. Ҳатто фарзандларини-да аяб ўтирмаганига кўп марта гувоҳ бўлганман. Лекин нима сабабдан бунчалик тежамкорлиги ҳақида ҳеч қачон гапирмасди. Худди мен тежасам, электр аяда кўпроқ одамга етиб бориши мумкин, деган тушунча бобомда табиий бўлган деб ўйлайман энди.

Электр беҳуда исроф бўлаётганини кўрсам, баъзан бобом эсимга тушади — қанийди тирик бўлса-ю, шуларни бир койиб берса, дейман. Аслида, жамиятимизга бобом сингари одамлар керак. Сабаби келажак ўтмишдан тарбия олади. Бугун негидир ё насихаттўйи бобо-момолар камайиб кетди ёки ёш авлод катталарга умуман қулоқ солмай қўйди. Нима бўлган тақдирда ҳам натижаси — исрофимиз кундан кун ортиб бораётгандек.

Электр энергиясини исроф қилмасликни қонуна белгилаб қўйишнинг ҳам пайти аллақачон келди, назаримда. Қонуналиги-



“

“Индаманг, укажон, сиз билан менинг чўнтагимдан кетяптими, ҳаммасини “ЖЭК” тўлайди, пулини қурутдек санаб олаётган бўлса. Аксинча, чироқ ёниқ турса, қават файзлироқ бўлиб туради”, деб жавоб бергани. Мен эса “Наҳотки, исрофда файз бўлса”, деб бир муддат ўйлаб қолганим.

мизда ундан ўғринча фойдаланишга қатъий жазолар тайинланган, иш ҳатто қамқоқ жазосигача етиб бориши мумкин. Лекин пулини тўладан деб уни истаганича исроф қилаётганларга чора қўрилишига гувоҳ бўлмаганмиз. Масалан, интернет маълумотларига

“

Электр беҳуда исроф бўлаётганини кўрсам, баъзан бобом эсимга тушади — қанийди тирик бўлса-ю, шуларни бир койиб берса, дейман. Аслида, жамиятимизга бобом сингари одамлар керак. Сабаби келажак ўтмишдан тарбия олади. Бугун негидир ё насихаттўйи бобо-момолар камайиб кетди ёки ёш авлод катталарга умуман қулоқ солмай қўйди. Нима бўлган тақдирда ҳам натижаси — исрофимиз кундан кун ортиб бораётгандек.

кўра, Японияда исрофгарчиликка қарши қурашувчи тартиб-қоидалар мавжуд. Германия, Франция ва Хитой каби мамлакатлар ҳам бу борада аллақачон етарли кўрсаткичларга эришиб улгурган. Менимча, мутасаддиларимиз бундай тартибни мамлакатимизда ҳам жорий этиш ҳақида ўйлаб кўрса, аини муддао бўларди, катта ҳисобда электр тежаларди. Ахир бир-икки марта маъмурий жавобгарликка тортилган инсон бу ҳаракатини қайта содир этармиди?

Ижтимоий тармоқларда исроф ҳақида ибратли ҳикоя ўқиган эдим. Унга кўра, бир юртдошимиз Германияда овқатланиш учун ресторанга қиради. Бу ерда одам сийрак, нарироқдаги столда 3-4 аёл ўтирарди. Ҳамюртимиз оқ бўлгани учун кўпроқ таом буюртма қилади, бироқ унинг ярмини ҳам ея олмайди. Буни кўрган ҳалиги аёллардан бири ресторан бошқарувчисига шикоят қилади. Бошқарувчи буни ҳамюртимизга етказганда, у “Ўзимнинг пулимга сотиб олдим, хоҳласам ейман, хоҳласам қолдираман” мазмунида эътироз билдиради. Аёллар эса “Пул ўзингники, аммо ресурслар барчамизники”, деб жавоб қайтаради. Дарҳақиқат, маданиятнинг аини кўриниши бугун бизга ҳам ниҳоятда зарур, назаримда. Сабаби ўзимнинг пулимга оламан-ку, дея сувраётганимиз жуда кўп ресурсларни, жумладан, электр энергиясини вақти келиб пулимизга ҳам топа олмай қолаётганимиз боп гап. Шундай экан, борини борида қадрлайлик. Зеро, тўй ўтгандан кейин ногора чалганнинг фойдаси йўқ.

Жонибек АЛИЖОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбари жорий йил 4 ноябрь куни электр энергетикаси соҳасини трансформация қилиш, ҳудудлардаги электр тармоқлари бошқарувида хусусий операторларни жалб этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда 2025 йил энергетика корхоналари учун тежамкорлик ва самарадорлик йили бўлиши таъкидланди. Айтилишича, ҳар бир энергетика корхонасининг биринчи галдаги вазифаси таннархни камайтириш бўлиши керак.

Бу, шубҳасиз, истеъмолчилар учун катта энгиллик яратади. Энергия манбалари учун сарфлаётган харажатлар сезиларли камайишига олиб келади. Баъзан арзон нарсанинг қадрини ўзидан-да арзон ҳисоблаймиз. Унинг арзонлиги ниманинг эвазига эканини ҳар доим ҳам тафаккур тарозисига қўйиб кўрмаймиз.

Бир гал Европа мамлакатларида қишлоқ хўжалиги бўйича мавсумий меҳнат қилиб қайтган юртдошимиз билан суҳбатлашиб қолдик. У ўша ерда суғориш суви ҳам пули экани, электр энергияси эса биздагидан кўра анча қимматлигини айтди. Суғориш суви ҳам пулга сотиб олиншини эшитиб ҳайрон қолдим. У қишлоқларимизда дарёю каналлар орқали беминнат оқиб келадиган, томорқаларга истаган пайтимиз сўроқ-саволсиз оқиб қўйиладиган сув ҳақида гапиряптими? Наҳотки, унинг қайсидир мамлакатларда қадри бўлса, камига пул ҳам тўланса!



Ҳар қадамда табиий ресурслар исрофига гувоҳ, буни одатий ҳол деб ҳисоблаб яшаётган камини учун бу мутлақо янглик бўлди, очиги. Кундалик ишлатадиганимиз “сув текин” иборасини ҳам биз ўйлаб толган бўлсак керак афтидан.

Энди яна электр энергетикаси мавзусига қайтсак. Мамлакатимизда электр сотилади. Шунга қарамай, хануз уни ялпи тежаш маданиятини ўзлаштириб улгурганимиз йўқ.

Сабаби аксариятимиз уни ортиқча сарфлаб юборсак ҳам қийматини қоплашга қурбимиз етади деб ҳисоблаймиз, хавотир олмаймиз. Лекин дунёнинг қаерларидадир тўлашга пули бор, аммо электрдан ниҳоятда тежаб фойдаланишга мажбур бўлаётган миллионлаб инсонлар мавжудлиги ҳақида ўйлаб кўрамизми? Пойтахтдаги кўп қаватли уйларида бири-да яшайман. Баъзан қоқ ярим тунда деразадан қаралса, тепа қават бўлгани сабаб нис-

### Агротармоқ

# АНОРЧИЛИКДА ДРАЙВЕРЛАР МАҚБУЛ ЕЧИММИ?

Статистика маълумотларига кўра, анор ва ундан олинган маҳсулотлар улуши дунё бозорида 8,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2026 йилга бориб, бу сумма 23,14 миллиард долларга етар экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ундан турли ичимликлар тайёрланади. Шунингдек, анордан косметология ва фармацевтикада ҳам фойдаланилади.

Мамлакатимизда анорнинг 30 дан ортиқ тури етиштирилади. Аини пайтда Ўзбекистондаги анорзорларнинг катта қисми Сурхондарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Бугун воҳода анорзорларнинг умумий майдони 11 минг гектар. Шундан 5760 гектари Шеробод туманида жойлашган. Мутахассислар фикрича, Ер юзидан анорнинг 130 дан ортиқ тури етиштирилади. Бу мева ёз фасли нисбатан узок давом этадиган Шерободдек ҳудудларда яхши пишиб етилади.

Кейинги йилларда бошқарувдаги энг кўйи бўгин, минг йиллик қадриятларга асосланган, дунёда муқобили йўқ маҳалла тизими аҳоли бандлигини таъминлашда кенг имкониятга эга бўлмоқда. Президентимизнинг жорий йил 5 мартдаги “Аҳоли хонадонларида саноят усулида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва дехқон хўжалиқларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур имкониятлар кўламини кенгайтирди.

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили бўйича ҳар бир маҳаллада муайян экан турини етиштириш мақсад қилинди. Шу асосда Шерободда анорчилик асосий драйверга айланди. Тумандаги аҳоли хонадонларига тегишли 960 гектар ерда 864 минг туп анор парваришланыпти. Улардан олинган ҳосилнинг 50 фоздан ортиги хорিজга экспорт қилинмоқда. Бу орқали 30 мингдан ортиқ кишининг иш билан бандлиги таъминланыпти.

— Шеробод туманининг “Хўжақия-2” МФЙ аҳли анор етиштиришга уста. Бу бизга бобомерос. У пайлар ҳозиргидек замонавий агротехника ишлови кам берилган. Лекин табиий шароит, органик ўғит, тўрт фаслда ҳам богдан бери келмаслик натижасида бугунгидан ҳам йирик анор ҳосили етиштирилган. Ҳосилдан нишона кейинги йилнинг ёзига қадар сандиқларда сақланади, — дейди уста богбонлардан бири Навбат бобо Саодатов. — Бугун эса ўша йўқлиқ бораётган анорлар яна богларимизга қайтаётгандек. Серҳосиллик аянам ортган. Бозор ҳам бор. Аини кунларда ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари қизгин кетмоқда. Бу томонлардаги маҳаллаларда яшайдиган богбонлар парваришлаган анорлар ўзига хос ва ҳосилдорлиги билан ажралай туради.

Қишлоқ хўжалигидаги сердаромад соҳалардан бири бўлган анорчиликнинг ривожланиши туманининг қишлоқ хўжалиги борасидаги салоҳияти ва ютуқларини кенгайтириш учун замин яратяпти. Энг муҳими, одамларнинг бандлиги таъминланиб, оилалар фаровонлигига эришилмоқда.

— Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш долзарб масалалардан. Шу сабабли ҳам мазкур йўналишга мунтазам эътибор қаратилмоқда, — дейди соҳа мутахассиси Достон Ўбайдуллаев. — Бозор иқтисодиёти шароитида богдорчиликни ривожлантириш интенсив ва суперинтенсив технологияларга

ўтишни тақозо қилади. Шу боис, бошқа ҳудудлар қатори Сурхондарёда ҳам мевазорларни кенгайтириш, эски, фойда бермайдиган, ҳосили кам боғлар ўрнига янги замонавий интенсивларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Аиниқса, анор етиштиришдаги ишлар натижасида вилоятнинг экспорт ҳажми ортиб борапти.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Шеробод туманида ҳам бўлиб, анорчиликни илмий асосда ривожлантириш, аини йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш, шунингдек, янги маҳаллий навлар яратиш, юкори ҳосилдорликка эришиш, анор маҳсулотининг экспорт ҳажми ва даромадини ошириш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб берган эди. Вазифалар ижроси ва самараси туфайли анор туманининг “таршиф қоғози”га айланди. Шеробод анори бугун нафақат мамлакатимизда, балки хоризда ҳам таниқли.

— Мамлакатимиздаги анорзорларнинг учун замин яратяпти. Энг муҳими, одамларнинг бандлиги таъминланиб, оилалар фаровонлигига эришилмоқда. — Шерободда анорчилик асосий драйверга айланди. Тумандаги аҳоли хонадонларига тегишли 960 гектар ерда 864 минг туп анор парваришланыпти. Улардан олинган ҳосилнинг 50 фоздан ортиги хоризга экспорт қилинмоқда. Бу орқали 30 мингдан ортиқ кишининг иш билан бандлиги таъминланыпти.



Одатда харидорлар анор танлашда қатор жиҳатларга эътибор қаратади. Кимдир вазни оғирлигига, бошқа биров эса ранги тиниқлигига қарайди. Шерободлик богбон Тожи Расуловнинг айтишича, анорнинг тўри мос иқлимда, барча агротехник талаблар асосида етиштирилганидир. Кўп йиллик тажрибасига асосланиб, анорчиликда ўзига хос мактаб яратган юртдошимиз шу кунларда ҳосилни йиғиб олишга киришган.

— Шерободда етиштирилаётган “Туллоби”, “Тошқўрғон”, “Гайзара”, “Қора дон” номли анор навлари узок муддат сақланиш хусусияти туфайли харидорлар эътиборини қозониб келарди. Энди шу каби сара анор

нави ҳосили куз фаслида олдинма-кетин юк машиналарида хориз бозорига чиқаяпти, — дейди Тожи Расулов. — Энг муҳими, одамлар даромад оляпти. Кўз ўнгига қўшини кичкина томорқасида анор етиштириб, ҳосилни тайёр харидорга топшириб, мўмай фойда топаётганини кўриб, дунёқараш ўзгараётган, ерга меҳр беришга киришяётганлар сафи кенгаймоқда.

Шеробод тупроқ унумдорлиги, сувга бойлиги ва қуруқ ҳавоси билан анор етиштириш учун қўлай жой. Шу сабабли ҳам дехқончиликда муайян натижаларга эришиш мумкинлиги инобатга олинди, туманда анорзорлар йилдан йилга кенгайтириляпти, серҳосил навлар етиштирилмоқда.

Яқин келажакда Шеробод тажрибаси асосида 43 минг хонадонда анор парваришлаш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Шунга мос равишда туманда ҳар йили ўтказиб келинаётган “Анор фестивали” кўлами ҳам кенгайиб бормоқда.

Анорчилик билан шуғулланаётганлар орасида хотин-қизлар ҳам бор. Жумладан, Мажнунто маҳалласида истиқомат қилаётган Назира Чориева анорчиликни ривожлантириш бўйича бой тажрибага эга. У ҳозир шахсий томорқасида анорнинг серҳосил навларини экиб, халқимиз дастурхонининг тўкин-сочинлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Она-хон сайил ва ярмаркаларда ўзи етиштирган ҳосил намуналарини билан қатнашиб, бир неча бор “Томорқачиликни ривожлантиришда энг фаол хонадон” номинацияси соҳиб бўлган.

— Момом хотин-қизларни анорга қиёс этарди. Йиллар ўтиб, ўзим кайвони ёшига етиб, аёл билан анорнинг боғлиқлиги, тақдирини ўрнатилганини кўпчилигини англадим. Анорчиликка ишқим тушган. Умр бўйи анор етиштириб, сотиш билан шуғулланиб келяпман. Бу йўлда қийналган пайтларимиз кўп



бўлган, — дейди Назира Чориева. — Давлатимиз раҳбарининг Шерободда анорчиликни ривожлантириш бўйича ташаббуси туфайли соҳа ривожлантиди, бозор имконияти кенгайди. Бу бизни янада кўп ишлаш, биланларимизни ўргатишга ундаяпти.

Чекка ҳудудларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш аҳоли бандлиги, фаровонлиги ва барқарор иқтисодиётни таъминлашга хизмат қилади. Шу боис, мазкур йўналишда жойларда тизимли ислохотлар изчил давом этапти. Натижасини кўриб, қувонмасликнинг, руҳланмасликнинг иложи йўқ.

Сарвар ТўРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



# МУДДАТИДАН ЭРТА ДУНЁГА КЕЛГАН БОЛАЛАР

## УЛАРНИНГ ЯШАШ КЎРСАТКИЧИ ОШИБ БОРМОҚДА

### 500 граммдан кам вазнда туғилган чақалоқлар ҳам яшамоқда

Марказ шифокорларнинг айтишича, яқинда муддатидан 14 ҳафта аввал 670 граммлик қизалоқ дунёга келган. Ҳозир унинг вазни 1000 граммдан ошган ва онаси билан бирга назоратда турибди. Эрта туғилган болалар кунига 15 граммдан вазн олса, бу муътадил жараён ва яшаш кўрсаткичи ошиб боради.

Бундан бир неча йил аввал АҚШнинг Миннеаполис шаҳрида Ричард исмли чақалоқ муддатидан 131 кун олдин дунёга келгани ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқларда шов-шувга сабаб бўлган эди. Туғилганида унинг вазни бор-йўғи 337 граммни ташкил қилган. Шифокорлар боланинг тирик қолиши имкониятини деярли



Дунёга келган чақалоғини мамнуният билан туғуруқхонадан уйига олиб кетиш — ҳар бир ота-онанинг орзуси. Аммо ҳамма гўдак ҳам ўз вақтида дунёга келиб, 2-3 кунда уйига кетавермайди. Муайян сабабларга кўра, баъзи болалар муддатидан анча эрта туғилиши мумкин. Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 15 миллиондан ортиқ бола муддатидан олдин туғилади. Уларнинг бир миллионга яқини яшаб кета олмайдди. Бирок бу рақам тиббиёт ривожини натижасида камайиб бораётган.

олса, кейинги ривожланиш эҳтимоли анча яхшиланади.

Вазни кам туғилган боланинг ҳаётга мослашиш жараёни қийин кечади. 1000 граммдан кам вазни чақалоқлар инкубатор шароитида туғилиш муддатига парваришланади. Ошқозон зонди орқали озиқлантирилади. Вазни меърига еттунга қадар назоратта олиниб, кўз, қулоқ, мия фаолияти тез-тез скрининг қилинади.

— Болалар муддатидан олдин туғилган, ташқарида бачадондаги шароитни яратиш керак. Чунки бу муддатдан сўнг гўдак киндик орқали озиқлана олмайдди, — дейди Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бош неонатолог Малика Усмонова. — Умумий туғуруқнинг 5 фоизгача қисми муддатидан эрта туғилишга тўғри келади. Вазни 500 граммдан бошлаб тирик туғилган болаларнинг ФХДЭ органларида қайд этамиз ва тиббий ёрдам кўрсатамиз. Нафақат тиббий ёрдам, балки уларнинг тўғри ривожланиши келгуси ҳаётда юзага келиши мумкин бўлган хавфдан сақланиши учун тавсияларимизни бериб бораемиз. Эрта туғилган болаларда нафас олиш муаммоси, озиқланиш билан боғлиқ қийинчиликлар, миянинг ярим фалажланиши, ривожланишнинг кечикиши, эшитиш билан боғлиқ муаммолар учраши мумкин, аммо тиббий кўриқдан вақтида ўтилса ҳамда керакли муолажалар қилинса, барчаси енгиб ўтилади.



Халқ орасида етти ойлик боланинг яшаш эҳтимоли юқори, ундан аввал туғилган болалар яшаш кетмайди, ҳатто саккиз ойлик болаларнинг ҳам яшашни қийин, деган гаплар юради. Бу қанчалик тўғри эканига қизиқдик. — Бундай қарашлар бугун нотўғри экани ўз исботини топди, — дейди Малика Усмонова. — Тўғри, илгари тиббиёт ривожланмаган эди ва болаларнинг эрта туғилиши уларнинг яшаш кўрсаткичи ҳам пасайтириб боради. Тиббиёт тараққий этгани сайин бундай болаларнинг яшаш кўрсаткичини ошириш имкониятига эгамиз. 600 граммдан паст вазндаги болаларнинг яшаш эҳтимоли кам. 700-800 грамм вазнда жуда кўп бола туғилган. 24-25 ҳафталик болаларни парвариш-лаб, муваффақиятли натижа билан уйига рухсат берганмиз.

нолга баҳолаган, бироқ туғилганидан олти ой ўтгач, шифохонадан уйига олиб кетишларига рухсат берилган. Ричард белгиланган вақтидан анча эрта туғилиб, яшаш кетган чақалоқ сифатида Гиннесснинг "Рекордлар китоби"га киритилган. Тошкент шаҳри перинатал марказида ҳам 480 граммлик чақалоқ дунёга келган. Рисолат исмли қизалоқ 24 ҳафталикда туғилган ва ҳозир у 6 ёшда. — Муддатидан бир ой аввал 970 грамм вазндаги фарзандим дунёга келди, — дейди Жамила Турғунова. — Орадан ўттиз кун ўтди, ҳозир у 1800 грамм. Аҳволи яхши. Туғилганда жуда кўрққан эдим, марказ шифокорларнинг ёрдами билан шу натижага етдик. Худо хоҳласа, бугун уйимизга рухсат бериларди.



### “Қизимнинг катта бўлиши худди кинога ўхшайди”

Исторакнинг ўзи ҳам туғуруқхонада шифокор бўлиб ишлайди. Олти ойлик ҳомиладор пайтида бехосдан туғуруқ бошланиб қолди. Бу иккинчи фарзанди бўлгани, бундан аввал соғлом бола дунёга келтиргани учун бу ҳолатдан доврираб қолди. Ҳали меҳнат таътилига чиқишга ҳам улгурмаган аёл жуда қаттиқ кўрқувга тушади ва туғилажак боланинг омон қолишига ишонмайди. Аммо умид қилгиси, уни бағрига босиб улғайтиргиси келарди. Шифокорлар, муҳими, ўзи соғлом эканини, келажакда яна фарзандлар кўра олишини айтиб, уни бўлажак фожага руҳан тайёрлайди. “Қизимнинг катта бўлиши худди кинога ўхшайди”, дейди Исторак Тошмухаммедова. Бола 800 граммдан бир оз кўпроқ вазнда туғилди. Чақалоқ бир ойга яқин мудат реанимация бўлимида парваришланди. — “Мана, болангиз, кўринг, кўрманг”, дейишди. Болани биринчи марта бағримга босганимда, у кўзини очиб менга қаради, — дейди И.Тошмухаммедова. — Шунда жудама хурсанд бўлиб кетдим. Аслида, ундан умидимни узганим, видолашим учун кирганим, аммо... Аллоҳдан кечаю кундуз ҳулам соғ-саломат вояга етишини, элимизга хизмат қилганидан, бизга қараган шифокорларга раҳмат айтиб кетадиган фарзанд бўлишини сўрадим. Икки ой ўтиб, муваффақиятли муолажалардан сўнг она-болага уйга қайтишга рухсат берилди. Шундан кейин бола кучли назоратда бўлиши, юрак, кўз ва мия фаолиятини назорат қилиш уқтирилди. Навбатдаги текширувлардан кейин қайта кутилмаган боланинг юрагида шовқин борлиги аниқланди. Эсанқираб қолган ота-онага шифокор болани

бир ёшга тўлганда қайта текширувга олиб келиши кераклигини, бу муддатда юрак ўзини тиклай олиши мумкинлигини, агар бундай бўлмаса, операция қилишга мажбурлигини айтади. — Қизимиз бир ёшга тўлган куни дадаси билан юрагимизни қўлимизга олиб шифокор хузурига югурдик, — дейди аёл. — Нима бўлсам шу босқичдан ҳам ўтишимиз, курашимиз керак эди. “Эшитишга тайёрийсизлар?” деди доктор болани текшириб бўлгач. Катта ҳаяжонда унинг оғзига тиклиб туравердик. “Нега менинг олдимга, сопа-соғ болани олиб келдиларингиз, болангиз саломат, табриклайман” деди шифокор. Уша дамдаги қувончу кўзёшларимизни ҳозир сизга тушунтириб беролмайман. Шукр, мана қизим етти ёшга тўлди. Солиҳахон бугун 1-синфда ўқияпти. Эрта туғилган чақалоқларнинг ҳаётга кўникиши, ривожланиши ва жисмоний ҳаракатланиш босқичлари тақомиллашуви ота-оналардан қийинчилик, сабр ва меҳнат талаб қилади. Эътибор ва қўл билан парвариш-лаш, тиббий кўриқдан тез-тез ўтказиб туриш уларнинг кейинги ҳаёти учун жуда муҳим. Ҳаётга эрта келган болалар ҳеч қайси тендозида ақлда, билим олишда, дунёни идрок этишда қўшимчадир. Тарих гувоҳ: муддатидан олдин дунёга келган болалардан буюк сиёсатшунослар, санъаткорлар, давлат арбоблари, машҳур ёзувчи-шоирлар ва билим соҳиблари етишиб чиққан.

Рашид ХЎЖАМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

## ҲАҚИҚИЙ ФИКР

Ижтимоий психология нуқтаи назарига кўра, интернетга қарамликнинг бошланиши ҳақида одам доимий равишда билиб боради ва бунга руҳан тайёрларлик кўради, шунинг учун медиамаконга мослашиш деярли ҳар бир эркак, аёл, болакайда осон кечади.

# МЕДИАСАВОДХОНЛИК — БУГУНГИ АХБОРИЙ ЖАМИЯТНИ ТУШУНИШ КАЛИТИ

Ахборот истеъмолчиси ҳар доим кейинги янгиликни кутади, аслида, ундан олдинги янгиликни ҳам у худди шундай зўриқиб, саросима билан кутган, аммо ҳозирги янги хабардан кейингиси унга ҳар гал умидбахш туюлаверади. Унинг ҳаётини ўзгартирадиган тақдир, имконият, иш иш ниҳоятда арзон, ҳеч ким билмайдиган чегирмалар, лотерея ўйинлари, гив-конкурслар кўзлари киритиб кетган, қўли ҳеч ишга бормай қолган истеъмолчи ҳафсаласи билан муттасил равишда уйнашаверади: гоҳ хурсанд қилади, гоҳ қулдиради, гоҳида эса тушунликка ботиради. — Смартфонини қимматроққа ўзгартирган бирор танишингизни кузатиш: хатти-ҳаракати сезиларли даражада ўзгаради, фикри тараққийлади, нуққа фаолиятида узлишлар кузатилади, гапларни бир-бирига улай олмайдиган бўлади, ичидида дарди, оғрини, қувончинини бағирлаб тунштириб бера олмаётганидан асабийлашади. Охир-оқибат унинг мулоқот қилиш усули виртуал оламга тўлалигича кўчади, — дейди график дизайнер ва веб-дизайнер Умар Муҳаммадий. — Албатта, смартфондан воз кечинг деб намойиш ўтказишдан йироқмиз, бу ахборий оқимини энди қайтаролмаймиз. Биз истаётган нарса шуки, мана шу оқимда қўшилиб оқиб кетмаслик учун медиага доир савиямизни ҳам, медиаининг ўзининг савиясини ҳам ошириш керак. Биринчи қилинган савиямизни эҳтимоли кам, чунки қўлидаги гаптоҳи ўз эгасининг алтер эгоси бўлиб, ҳамма ҳам ҳақиқий дунёдаги реал муносабатлар учун виртуал “мен”и билан хайрлашишга тайёр эмас. Мессенжерлардан аноним

тарзда фойдаланиш ва юзлаб аватарларни яратиш имконияти виртуал муҳитни инсон чинакам ҳаётда амалга ошириш мушкул бўлган тасавурларини рўйга чиқариш жойига айлан-тириб қўйган. Оддий интернет фойдаланувчиси бир вақтнинг ўзида бирор компьютер ўйинида афсунгар, танишув чатларида эҳтиросга бой йигит, онлайн илмий форумда таниқли олим, ўзининг саҳифасида китобхон бўлиши мумкин. У ижтимоий тармоқда орттирган танишларини ўзи истаган сонга етказди, саралайди, муайян рейтинглар ёрдамида ижтимоий мавқе тўплай олади ва бундан ҳар доим фахр ҳисси туюди. Ижтимоий тармоқлар кунни бўйи сарфлашингиз керак бўлган қувватни бир неча дақиқа ичиди сўриб олади. Янгиликлар тасмасидаги постларни, расмларни, бачкана видеоларни бирма-бир ўтказар экансиз, улкан диққат қувват сарфланади. Бир пост асабингизга тегса, бири шарақлатиб қулдиради, бири ностальгия уйғотса, бошқаси орзулар осмонида парвоз этишга ундайди. Арзимаган беш-ўн дақиқа ичиди жуда кўп, бир-бирига зид ҳисларни туйганингизни билмай қоласиз. Бу катта энергия сарфидир, боиси, битта постдан пайдо бўлган ҳис хали сўйиб улгурмай, бошқа постдан юққан ҳисга дуч келасиз. Бора-бора ҳисларни чала ҳолда қабул қилишни бошлайсиз, худди шундай фикрлашни ҳам. Тафаккурингиздаги хаос турмуш тарзингизга ҳам кўчади: уйга келиб қўй пайпоқни чала-ярим ечиб, йиғиштирилмаган ётоққа ағаналанингиз, билингни, онгда ҳам шундай тартибсизлик ҳукмрон.

Ҳеч йўқ ярим соат фақат битта иш қилиш, бутун диққатни бир юмушни охирига етказишга қаратишни унутиб қўйдик. Узимиз унча хушламайдиган ишни чалгимасдан бир соат қилганда ҳатто дам оладиган ҳолга келиб қолдик. Бундай пайтларда сайр — энг тўғри ечим. Ёки ҳафтанинг қайсидир кунини ўзингизни ахборотдан холи қўйинг. Ишонинг, сиз излаб топмасангиз ҳам ахборотнинг ўзи сизни излаб топади. Аллақайси танишингиз, кўшингиз ёки одамларнинг кайфиятидан билиб олсангиз. Аммо бу халос бўлиш ечими. Мослашиш, мурося қилиш учун мустақкам ирода ва медиасаводхонлик зарур.

### Дофамин детокс

Бугун ҳаёт сифатини ошириш, ижобий маънодаги қўлайликлардан фойдаланиш учун имкониятлар, танловлар ҳар доимгидан-да кўп бўлишига қарамай, нега кўпчилик ўзи истаган нарсаларга эришишга ҳафсала тополмайди, ишга қўли бормайди, бошлай олганини охиригача еткази олмайдими? Ироданинг мўртлиги, мақсадларнинг мавҳумлиги, бир томондан, руҳий муаммолар, аникроги,

хусусиятга асосланган соғломалар — бир пайтлар “азлочи” деб ҳисоблангани учун ё хали ҳам шунақалигини исботлашга ҳаракат қилиб кўп топиладиган ёки хато қилиш ва “беудда” сифатида кўринишдан кўриб қарамактларини тормақладиган одамлардан бири эканини билиб туриш ва бошқа кўрқувлар бири ҳаракатини амалга оширишга йўл қўй-мас, яна бир катта сабаб ижтимоий тармоқлардир. — Ижтимоий тармоқлардан муттасил фойдаланиш бахт ва қувонч гормони деб аталувчи дофамин нейромедиатори ишлаб чиқарилишига туртки бўлади. Дофамин якуни ёқимли бирор мақсадга интилишингиз давомида сизда ҳаракат истагани уйғотиш учун керак. Нимандир қойиллаб бажариш, дундириб қўйиш, орзуларингизни энг кичик қисмини бўлса ҳам амалга ошириш, ўзингиз хоҳлаган нарсаларга эришиш давомида катта миқдорда дофамин ажралиб чиқади. Кўри-ниб турибдики, дофамин ёмон эмас, аксинча,



Таниқли сиёсатшунос Самюел Хантингтон айтмоқчи, янги дунёда ихтилофлар манбаи мафкура ҳам, иқтисодиёт ҳам бўлмайди. Инсониятни ажратиб турган қалтис чегара ва асосий ихтилоф манбаи маданият бўлиб қолади. Глобал сиёсатнинг энг йирик ихтилофлари турли миллат ва тамаддунга мансуб гуруҳлар ўртасида юз беради. Бу жараёнда медиасаводхонлик инсонгина дунёда маданиятлар турли-туманлиги ҳақида тасаввур, маданий фарқларга нисбатан толерант муносабатда бўлади.

мақсадларга эришишда кўмаклашади. Аммо у ахборий хуружга алоқадор дофамин бўлса, ҳолингизга воя, — дейди психолог ҳамда журналист Маъруф Очилов. — Ижтимоий тармоқлар дофамин олиншининг энг арзон йўли ҳисобланади. Сиз қироили, кулгили, қизқар-ли деб ўйлаган суратлар, видеолар, постларга етиш учун ортиқча ҳаракат қилишга ҳожат йўқ — битта бармоқ эзиш билан истаган нарсанинг пайдо бўлади. Натижага содда тарзда эришиш кейинги янги натижага ундайди. Бу натижа ҳам унчалик узоққа эмас, атиги битта бармоқ эзишдан сўнг. Шу тариқа доимий стимуляция тузоғига тушиб қоламиз. Бунда натижадан кўра, унга яқин эканлигимиз билан боғлиқ лаззат ҳисси муҳим бўлиб қолади. Бу лаззат туфайли ўзимизни янгиликлар тасмасини ай-лантиришдан тўхтаётмай қоламиз. Уйинларга қарамлик, лайклар миқдорини текширишга ўчлик кабиларнинг асосида дофамин тузоғи ётади. Энди яхши ҳаётни янада яхшилаш истаги сустиги масаласига қайтсак. Организм энг осон йўли қидирадиган тузилма. Дофамин арзон йўл билан бўлса ҳам ишлаб чиқарилятимми? Албатта. Энди, шубҳасиз, реал ҳаёт-

да қийинроқ мақсадларга интилиш хоҳиши пасаяди. Бугунги кунда одамларда хавотир даражаси кучайганини ҳам шундай изохла-са бўлади: онг ости чинакам ҳаётдаги ахвол дуруст эмаслигини билиб туради, аммо ва-зиятни тўғрилаш учун зарур бўлган дофамин бошқа йўлда сарфланапти. Қувватни сугуриб олувчи мана шундай ахборотнинг товар сифатидаги тижорий имкониятлари охиши, фейк, аммо шокка туширувчи янгиликлар ва манипулятив таъ-сиригнинг кенгайиши ахборот ахборот ма-даниятини шакллантиришига тақозо этмай қолмайди. — Аксар танишларим ўзимиздаги медиа-таълимни ривожлантиришда илғор давлат-ларнинг синовдан ўтган тажрибасини шун-доқ кўчириб қўя қолган осон ва самарали-ку, деб айтади. Аслида, ундай эмас, — дейди PDP University медиамаконга видеооперато-ри ва мустақил МС муҳандиси Улуғбек Усмо-нов. — Чунки ахборий муаммолар турли жойда турлича ҳал қилинади. Масалан, ме-диатаълимга доир баъзи хорижий қўлланма-ларда ахлоқий тафовутлар ва диний масала-лардаги баъзи нозик фарқлар, ўзгача нуқтаи назарлар, қарашлар ўзбек миллий менталите-тига, боболаримиз асрдан асрга опичлаб ўт-ган муқаддас қадриятларга тўғри келмайди. Айтмоқчиманки, медиасаводхонга “дўппи кий-дирилса”, тарбия билан параллел равишда оила институтининг бевосита иштирокчида ривожлантирилиб борилса, мамлакатимизда соғлом ва тараққиётга интилувчан медиаму-ҳит шаклланишига шубҳам йўқ. Таниқли сиёсатшунос Самюел Хантинг-тон айтмоқчи, янги дунёда ихтилофлар манбаи мафкура ҳам, иқтисодиёт ҳам бўл-майди. Инсониятни ажратиб турган қалтис чегара ва асосий ихтилоф манбаи маданият бўлиб қолади. Глобал сиёсатнинг энг йирик ихтилофлари турли миллат ва тамаддун-га мансуб гуруҳлар ўртасида юз беради. Бу жараёнда медиасаводхонлик инсонгина дунёда маданиятлар турли-туманлиги ҳақида тасав-вур, маданий фарқларга нисбатан толерант муносабатда бўлади. Ўз қадриятларини рад этмайди, бошқа маданиятларнинг устидан ҳам очикдан очик ҳукм чиқармайди. Биргина медиасаводхонлик диллараро бағрикенглик, маданиятлараро тенглик, ижтимоий интегра-ция, фаровонлик ва барқарор ривожланиши таъминлашга улкан ҳисса қўшади.

Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Ўрол Тансиқбоев таваллудининг 120 йиллигига

ТОҒЛАРГА ОШИҚ МУСАВВИР

ЁХУД МИЛЛИЙ САНЪАТ БИР КУНДА ЯРАТИЛМАЙДИ

Ҳаёт матосини мольбертга тортиб, моҳир расом ўз умрига мос бўёқни кашф қилишга киришди. Хув ана, қуёшранг дўланазор шамолда масрур тебранмоқда. Бургут парвози дилларга ғулу солади. Гиёҳлару чечаклардан эса ҳаёт нафаси таралмоқда. Тоғлар бағридаги бу гўзал симфониядан биринкетин этюдлар чизила бошлади. Айтишларича, бу этюдларни қайтадан чизишга уринган расомлар кўп бўлган, бироқ уларнинг ҳеч бири Ўрол Тансиқбоев кашф этган ранглар жилоси ва дилгирлигини топа олмаган. Балки бу ранглар ижодкорнинг ўз юртига чексиз мухаббати, қалб ҳароратидан яралгани боис, шунчалар сирлидир. Ҳа, ҳар гал Ўзбекистон халқ расоми Ўрол Тансиқбоев асарларига боққанимизда турфа ранглару оҳангларга тўла бир куй — она ватан таронаси янграй бошлаши бежиз эмас...



Лаҳзалар ва абадият сири нимада?



Синдако илмий раҳбарлигида Миллий мерос институти вакиллари, шунингдек, Игорь Савицкий номидаги давлат санъат музейи реставрация бўлими ходимлари жалб қилинди. Музейга келган томошабинлар кўпроқ расомнинг Ўзбекистон табиати билан боғлиқ асарлари ҳақида сўзлаб беришимизни сўрайди. Расом Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозғоғистон, Тожикистондаги тоғларга кўп саёҳат қилган, умрининг асосий қисми тоғларда ўтган. “Тоғдаги қишлоқ”, “Жонажон ўлка” картиналари қошида томошабинлар мафтун бўлиб қолиб кетади.

Ўзбекистон халқ расоми Ўрол Тансиқбоев таваллудининг 120 йиллиги арафасида бир хушбахар тарқалди. Ўзбекистон халқ расоми Баҳодир Жалолов “Лаҳзалар ва абадият” асари учун Қозғоғистонда ташкил этилган Ўрол Тансиқбоев фондининг олтин медали билан мукофотланди. Уй-музей галереясида ҳар бир асар қошида узоқ-узоқ ўйга толган сеvimли расомимизни суҳбатга чорладик.


— Устозим Ўрол Тансиқбоев билан суҳбатлашиш насиб этмаган, бироқ ўзини узоқдан кўрганман, — дейди расом. — Ёш бўлганим учун ёнига боришга ҳаддим сиғмаган. Вафот этганини эшитганимда журъат қила олмаганим учун афсусланганман ва бир кунни Ўрол Тансиқбоев портретини, албатта, ишлашман, дея ўз олдimgа мақсад қўйганман. Ниятим холис экан, устознинг оила аъзолари билан танишиб, ўша ўзим орзу қилган портретни ишладим. Биласизми, расом асарларини кузатсангиз, абадиятга айланган лаҳзалар жилосидан ҳайратга тушасиз. Устоз у рангдан бу рангга шундай ўтиб борганки, бу тилсимотни ҳеч ким тушунтириб беролмади. Устознинг асарини ҳеч ким у каби мукамал чиза олмайди. Мен шу маҳорат сирини ўз портретим орқали ифодаб беришга интилдим.

“Мен табиат билан бирга чизаман...”

Буюк расом Ўрол Тансиқбоев асарларини томоша қилар экансиз, беҳиштиёр ижодкорнинг куйидаги сўзлари ёдингизга тушади: “Миллий санъат бир кунда яратилмайди. У узоқ йиллар давомида кўплаб мусаввирларнинг узлуксиз саъй-ҳаракатлари маҳсулидир. Уни унутмоқ ёки бекорга чиқармоқ мумкин эмас, унинг анъаналарига ўз тақдирини боғламайдан манзур бўларли ҳеч нарса яратиб бўлмайди”.

гизни сотиб олишга қарор қилдик”, деди. Бу гапдан мен — оддий билим юрти талабаси жуда ҳаяжонланиб кетдим. Кичкина асарimgа 600 рубль мукофот пули берилди. Пулни олдим-у, уялганимдан югуриб хонадан чиқиб кетдим. Устоз ана шундай адолатли, ёш ижодкорларга марҳаматли эди. Ўрол ака шогирдларига қаттиқ гапиргани, уришгани ёки дўқ урганини ҳеч эшитмаганмиз.

танги одамларини куйлаб, чизиб толмаган моҳир расом эди. Шогирдларининг эътирофича, расом кўпроқ вақтини тоғу тошларни кезиб, янги-янги этюдлар топишга сарфлаган. Агар бирор манзарани ёқтириб қолса, ўша жойнинг ҳар бир зарраси нигоҳларига ўрнашиб қолгунча соатлаб томоша қилар, барча деталларни кўз чамаси билан қамраб олар эди. Кейин орқасини ўгириб, бошқа тарафга қараб, мўъжазгина сумкасини этюдлар ва қораламалар билан тўлдирди бошларди.



— Мана шу этюд ва қораламалар кейинчалик яратилган катта-катта асарларга мавзу бўлган, — дейди Жавлон Умарбеков. — Устознинг иш жараёнини кузатган чоғларimgа буюк испан расоми Пикассонинг “Табиатдан олиб чизмайман, табиат билан бирга чизаман”, деган сўзларини кўп таъкидлаганман. Ўрол ака бу сўзларни эшитиб, мийингизда жилмайиб кўяр. “Ҳар қачон манзара чизганда кўрган нарсангни эмас, ҳис қилган нарсангни чизгин”, дея насиҳат қилар эди.

1952 йилда Франциянинг Париж шаҳрида жуда катта халқор кўргазма бўлиб ўтди. Унда устознинг “Қайроққум ГЭСида тонг” номли энг катта асари кумуш медал билан тақдирланади. Ўша пайтда бу мукофот ўзбекистонлик расом учун жуда катта эътироф ва мавке эди. Ушбу воқеадан сўнг Ўрол Тансиқбоевни бутун дунё расомлари таний бошлаган.


Пойтахтимиздаги Бўзсув-1 мавзеси 7-ўйда Ўзбекистон халқ расоми Ўрол Тансиқбоевнинг уй-музеи жойлашган. Музей кўп қаватли уйлар орасида жойлашгани боис, қўзланган манзилни тополмай бир оз адашиб қолдик. Шунда йўлимиздан чиққан аёл бизга йўл кўрсатар экан: “Мен ўзим шу музей ходимаси Раъно Одилловаман. Яхшики, менга учрадингиз, бошқалардан сўрасангиз, тополмас эдингиз. Чунки шундоққина музей жойлашган кўчада яшиб туриб, Ўрол Тансиқбоев кимлигини билишмайди. Шу боис, уй атрофига ёш авлоднинг эътиборини тортадиган, уй-музей билан боғлиқ электрон полотнолар, йўл кўрсаткичлар ёки роликлар ўрнатилса яхши бўларди”, деди. Дарҳақиқат, Раъно опанинг гапида жон бор. Бутун дунёга таниқли расом Ўрол Тансиқбоев ижоди ва ҳаёти бугунги авлод ҳар қанча ибрат олса арзигулиқдир.

— Уй-музей қайта реконструкция қилиниши кўзда тутилмоқда, — дейди суҳбатдо-

Еллар ҳайрон ўз сувратидан...

Сиз “бўшлиқни ёйда замин тепасига эгиб қўйган одам” ҳақида эшитганмисиз? Ҳа, адашмадингиз, бу таъриф таниқли шоирнинг расом асарларига бағишланган шеърда берилган. Қушларнинг қаноти тегиб кетмасин, дея тип-тиник осмонни баландроқ чизган мусаввирнинг маҳорати нафақат расомларини, балки шоирларни ҳам бежиз илҳомлантирмаган.

— Назар Шукурнинг “Манзара” ва “У шундай кучлики” шеърлари табиат куйчиси Ўрол Тансиқбоевга бағишланган, — дейди филология фанлари бўйича фалсафа доктори Нилуфар Умарова. — Шеър турли йилларда битилган. Иккисида ҳам лирик кайфият жозоба сеҳрига уйғун. Ҳолат ёхуд ҳодиса деймишми, галаёшли руҳият иқлимини мўътадиллаштиради. Бунда расом картинаси ва сўз картинаси ташқи томондан қараганда номуносибдек, табиат манзарасидаги ҳаракат “муаллақ”, “бетан”, “шамоллар кишанланган”, “лолалар тебранолмас”, болалар эса “гул узганча қотган”, лаҳзалар ҳам “мангулиқда тин” олиб жим, гулданча юксалган тутун ҳам кўкка “қўл чўзгунча қолган”. Беш сезги билан идрок этиладиган жонли ва жонсиз моддий нарсаларнинг барчаси ҳаракатсиз. Аслида, шоир самовий инъом ила тош дийдаларни юмшатиш, залолат балчиғига ботган кимсаларни некинбилгуну рўшноликка ошно этиш, ҳар банданинг ўзини англаш учун битик битмайди? Ранглар туққунлигида ғўломлик салтанатига ишорани укмаймишми? Қалб тубидан тугилган саволлар оқими оқизоқдек онгу шууримизда шу бўҳалар эпкинини ҳосил қилаверади. Тош қотган еллар ўзининг суратидан ижиргангандай бўлаверади. Аслида, бу ҳолатлар бор-йўғи расом дунёсининг она табиатга бўлган тимсолий ташаббуси ҳосиласидир.



Еллар ҳайрон ўз сувратидан, Ёғдуларга йўрланган Кунгай.

Кунгайнинг ёғдуларга чулганиши кўкқисдан юрак чилторини чертади, исмсиз куй улашади...


Ҳа, суҳбатдошимиз айтганидек, Ўрол Тансиқбоев куйларининг қаноти бор. Юрак чилторини чертиб, сизни бехосдан гўзал ва бетакрор оламларга бошлагувчи сирли лаҳзалари мавжуд... Шу боис, расом ижоди орадан бир асрдан ортиқ вақт ўтса-да, ўз сирини, жозибасини, қадру қимматини оширсан оширяптики, камай-

тиргани йўқ. Расомнинг уй-музейдан қайтар эканман, бу қанотлар менга ҳам илҳом ҳада элди:

...Ҳар гал мольбертга боқсам, Ҳаёт рангин ишлашман, Тоғларда кезиб юрган мусаввирни эслашман.

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Ҳамиша Ўзбекистон фарзанди бўлиб қоламан...”



Ўрол Тансиқбоев ҳамкасиби Николай Қорачон билан бўлган бир суҳбатда “Тоққа йўл” картинаси қандай яратилганини бундай сўзлаб берган экан: — Ушунда кеч куз, қунлар совуқ, изгирин елиб турарди. Ҳўжакеңтдан у ёнига анча вақт машина кутиб қолдим. Аксига олиб, йўловчи машинанинг кабинасида жой йўқ экан. На чора, кузовга чиқдим. Изгирин тобора кучарди. Ўн беш чақиримча юргач, чндаб бўлмади. Машинадан тушиб қолдим. Яқинроқдаги хонадондан бир кекса киши на-

бирасини кўтариб чиқди. Совуқдан дағ-дағ титрашимни кўриб, дарров уйига бошлади, тезда писта кўмирни лаҳча чўғ қилиб танчага босди. Танчанинг четига мени ўраб қўйди. Шундай роҳат қилдимки, роса терлаб ўзимга келдим. Овқатланиб, отахон билан суҳбатлашиб ўтирдик. Жуда одамшаванда экан, тунаб қолишимни илтимос қилди. Шунда мен халқимизнинг меҳри дарё, қалби осмон, меҳмондўст фарзандлари кўпчилигидан жуда фахрландим. Эрталаб йўлга тушдим, уч-тўрт чақирим юрганimgан кейин бир оз дам олиб,

атроф-манзараларни кузатгим келди. Шунда тоққа олиб борадиган йўл диққатимни тортди. Қораламалар қилдим. Устахонаimgа келиб, “Тоққа йўл” картинамини бошлаб, уч сеансдаёқ тамомладим. Юрганга, ўз кўзинг билан кўрганга нима етсин! Машаққатини чекмасанг, роҳатини ҳам кўрмайсан.

Расомнинг бундай саёҳатлари жуда кўп бўлган. Ўрол Тансиқбоев ўзини, қалбини, руҳини шу заминдан, унинг одамларини табиатидан излаган. Расомнинг ҳаёт йўлига назар ташласанг, бу изланишлар нақадар кўп ва хўб эканига иқдор бўламиз.

Шогирдлари яна бир воқеани фахр билан эслашади. 1970-1980-йиллар орасида расом Олмаота шаҳрига тез-тез бориб турган. Чунки бу шаҳарда қариндошлари кўп эди. Бир гал тоғ бағрида куюқ зёифат уюштирилиб, юқори мансабда ишлайдиган одамлар ҳам тақлиф этилади. Ўрол Тансиқбоев меҳмонларга ўзининг яқиндагина чизган асарини намойиш этади. Шунда раҳбарлардан бири: “Ўрол ака, сиз Қозғоғистонда тугилгансиз. Келинг, биз сизга тугилган юртингизда муҳташам ижодий устахона қуриб берамиз. Катта-катта унвонлар билан мукофотлаймиз. Қозоқ халқининг энг буюк расоми сифатида қадрлаймиз”, дейди. Ўрол Тансиқбоев унга: “Йўйўқ, ўртоқлар, мен ўзбек расомиман. Ҳамиша ўзбекистонлик бўлиб қоламан. Чунки мен бу юртни, унинг одамларини жуда яхши кўраман!” дейди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 4109. 41157 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

GAZETADEGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA AСОSLANGAN ЎЗБЕК ALIFBOSIDA ЎҚИШ УЧУН MAЗКУР QR-KODNI SKANER QILING.

